

**“Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда қидибуви институти” давлат  
муассасасида коррупцияга қарши курашиш тизимининг фаолият  
кўрсатиши тўғрисида 2025 йилнинг I-ярим йиллиги учун  
УМУМИЙ ҲИСОБОТ**

2025 йилнинг I-ярим йиллиги давомида Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги Геология фанлари университети “Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда қидибуви институти” давлат муассасасида, Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ишлар Республикализнинг амалдаги қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги ҳамда Геология фанлари университетидан келган буйруқ, кўрсатма ва топшириқлари ҳамда институтнинг ички меъёрий ҳужжатлари талаблари асосида олиб борилди.

“Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда қидибуви институти” давлат муассасаси директори томонидан тасдиқланган 2025 йил давомида амалга ошириладиган чора-тадбирлар Дастури”, коррупцияга қарши курашиш соҳасида қўшимча ишлаб чиқилган режалар, тасдиқланган ички меъёрий ҳужжатлар асосида ташкилий тадбирлар, амалий ишлар олиб борилди.

Жорий ярим йилда Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ички меъёрий ҳужжатлар билан ходимлар таништирилди.

Ҳисобот йили давомида ўтказилган барча семинар ва профилактик тадбирларда ички меъёрий ҳужжатлар ҳақида тушунчалар бериб борилди. Ушбу ҳужжалар институтнинг веб-сайтига жойлаштирганлиги истаган вақтда ундан фойдаланиш мумкинлиги тушунтириб ўтилди. Бундан ташқари “Коррупцияга қарши сиёsat”, “Манфаатлар тўқнашуви Низоми”, “Одоб-ахлоқ кодекси” ва “Шартномаларни келишиш имзолаш ва ижро этиш сиёsatи” каби миъёрий ҳужжатлар институтнинг ички чатига жойлаштирилиб ходимларни яна бир бор яқиндан танишиши таъминланди.

Олиб борилган таҳлил натижасида муассасанинг коррупциявий хавф-хатар харитаси тузилди. Институт ва бўлимлари фаолиятини коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш мақсадида таҳлил қилиб чиқилди. 40 турдаги мавжуд лавозимларнинг коррупциявий даражаси “юқори”, “ўрта” ва “паст” кўринишда баҳоланиб чиқилди. Ҳар бир лавозим бўйича коррупциявий хавф-хатарлар аниқланиб баҳоланди. Коррупцион хавф-хатарлар “юқори” ва “ўрта” бўлган лавозим ва ходимлар рўйхати шакллантирилди. “Юқори” даражадаги хавфларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ушбу дастур асосан, коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлаш шунингдек, институт ходимларини ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш мақсадида, хавф-хатар “юқори” деб баҳоланган бўлимлар билан коррупцияга қарши

курашиш соҳасида тасдиқланган ички меъёрий хужжатлари талабларига асосан семинар тарзда тушунтириш ишлари олиб борилди. Уларга эгаллаб турган лавозими бўйича хавф-хатар даражаси етказилди.

2025 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида институтнинг 209 нафар ходими томонидан Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги декларация тўлдирилди. Манфаатлар тўқнашуви очиқлашга доир декларациялар, шунингдек мавжуд маълумотлар асосида таҳлил олиб борилди ҳамда аниқланган ҳолатлар (яқин қариндошлари Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига, вазирлик тизими ости ташкилотларида ҳамда институтда ишлайдиган ходимлар) институт Одоб-ахлоқ комиссиясида кўриб чиқилди. Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан олтитаси манфаатлар тўқнашуви “эҳтимолий” деб белгиланди. Институтнинг Одоб-ахлоқ комиссияси чиқарган қарор ходимларга етказилди. Манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги Қонуннинг мазмун моҳияти тушунтириб ўтилди. Ходимларга шахсий манфаатдорликка йўл қўйиш салбий оқибатларга олиб келиши етказилди.

Муассасада тузилган барча хўжалик шартномалар, фуқаролик-хукуқий ва меҳнат шартномаларига коррупцияга қарши бандлар киритиб борилмоқда.

Институт томонидан тўғридан-тўғри шартномаларни имзоланишида коррупцияга қарши огоҳлантириш банди “Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти” давлат муассасасида тузилаётган шартномаларни келишиш ва ижро этиш Сиёсатига асосан киритилмоқда.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун талаблари асосида товар моддий бойликларини сотиб олиш жараёнида “инсон омили”ни чеклаш ва коррупциянинг олдини олиш мақсадида харидлар амалга оширилиши назорат қилиб борилди.

Институт томонидан харидларни амалга ошириш “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талаблари асосида “электрон савдо” орқали амалга оширилиб келинмоқда. Тўғридан-тўғри шартномалар республикамизнинг амалдаги миъёрий хужжатларида кўрсатиб ўтилган товар ва хизматлар учун амалга оширилган. Институт ходимларининг манфаатлар тўқнашуви ва шахсий манфаатдорлиги билан боғлиқ бўлган коррупциявий хатарларни камайтириш, инсофсиз ижрочи билан шартнома тузиш хатарини камайтириш, харид жараёни иштирокчисининг шартномада белгилangan товарларни етказиб бериш ёки хизмат кўрсатиш, ишларни бажариш имкониятини баҳолаш, контрагент билан шартнома тузиш тўғрисидаги қарорни тегишли даражада эҳтиёткорлик билан қабул қилиш мақсадида харид жараёнлари иштирокчилари яъни контрагентларни текшириш йўриқномаси ишлаб чиқилган.

2025 йилнинг 6 ойи давомида ходимлар билан коррупцияга қарши курашиш тадбирлари, давра сұхбатлари, семинарлар, тренинглар ўтказилиб келинди.

Семинарлар “Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти” ДМнинг 2025 йилда Коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури ижросини таъминлаш, институт ходимларини ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, коррупция тўғрисида, институтнинг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги тасдиқланган ички меъёрий ҳужжатлари талаблари ҳақида кенгроқ тушунчалар бериш мақсадида ўтказилди.

Бундан ташқар, семинарда коррупция, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик, унинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари, унга қарши курашишининг самарали йўллари, бу борада давлатимиз томонидан ишлаб чиқилган ва қабул қилинган қонунлар, қараплар, фармонлар ва чора-тадбирлар тўғрисида тухталиб ўтилди.

Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари тарғибот ва таълим, коррупциянинг олдини олиш, коррупцияга чек қўйиш ва жавобгарлик тўғрисида, коррупциявий хавф-хатар, коррупциявий ҳуқуқбузарлик ва манфаатлар тўқнашуви, давлат харидларини амалга ошириш тўғрисида маълумотлар берилди.

Мавжуд ички меъёрий ҳужжатлардан яъни, 2024 йилнинг 29-ноябрь куни қабул қилинган, Институтнинг Коррупцияга қарши курашиш соҳасига оид ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида №112-сонли буйруғи, 4-ноябрь куни қабул қилинган “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ходимларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги №105-сонли буйруғидан амалда фойдаланиб келинмоқда.

Муассасага 2025 йилнинг 1-ярим йиллигига 5 нафар ходимлар ишга қабул қилинди. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида тарзда сухбат ўтказилиб соҳага доир тушунчалар берилди. Жумладан коррупция тушунчаси, унинг шакллари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган ички миёрий ҳужжатлар талаблари тушунтирилди. Коррупцион ҳаракатнинг оқибатлар ҳақида айтиб ўтилди.

Институт тизимида ўтказилган кенг кўламли алоҳида тадбирларда Коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, очиқлик ва шаффофлик, тизимлилик, давлат ва фуқаролик жамиятининг ҳамкорлиги, коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар ҳисобланиши тушунтириб ўтилди. Ўтказилган семинарларда тайёрланган презентациялардан, интернет тармоқлари орқали олинган расмий маълумотлардан фойдаланилди.

2025 йилнинг 18-март куни Тоғ-кон саноати ва геология вазирлигига марказий аппарат, тизимости ташкилотлар раҳбарлари ва компулаенс хизмати масъул ходимлари иштирокида 2025 йил 5-март куни Ўзбекистон

Республикаси Президенти раислигига бўлиб ўтган коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифаларга бағишлиган кенгайтирилган йиғилишда, шунингдек, 2025 йилнинг 6 май куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси масъул ходими иштирокида Тоғкон саноати ва геология вазирлигига “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиши механизмлари ва унинг ҳуқуқий асослари” мавзусида ўтказилган семинарда Институт раҳбарияти ва коррупцияга қарши ички назорат етакчи мутахассиси ZOOM платфораси орқали онлайн тарзда иштирок этишди.

Институт ходимларини ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, коррупция ҳолатларига дуч келганда қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича тушунтириш ва амалий кўмак бериш, соҳадаги ислоҳатларнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан таништириш мақсадида маълумотлар Институт ички чатига жойлаштириб борилди.

“Манфаатлар тўқнашуви” бўйича эслатма сифатида тарқатма материал тайёрланиб ходимларга тарқатилди.

Коррупция ва унинг турлари, коррупция жинояти содир этилганда жазо чоралари кўрсатилган, “Манфаатлар тўқнашуви” бўйича тушунчалар берилган деворий газета тайёрланиб институт деворларига жойлаштирилди.

Муассасанинг “2025 йил давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасида амалга ошириладиган чора-тадбирлар Дастири”га мувофиқ, июнь ойида муассаса ходимларидан, уларнинг коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, уларни ҳуқуқий онгини баҳолаш мақсадида, коррупция элементлари ва келиб чиқиш омилларини қамраб олган саволлар асосида 20 та банддан иборат тест олинди. Бунда ходимларнинг соҳада коррупцияга қарши курашиш, манфаатлар тўқнашувини бошқариш, жавобгарлик, ушбу иллатга дуч келгандаги ходимнинг ҳатти-харакати, қабул қилинган ички меъёрий хужжатлар юзасидан билим ва кўнималарини аниқлаш ҳамда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш йўналишида амалга оширилаётган ишлар ҳолати юзасидан саволларни қамраб олган. Тест натижалари буйича маълумотнома тайёрланиб, ходимлар кўпроқ нотўғри жавоб берган саволлар бўйича қўшимча машғулотлар ва тушунтириш ишлари олиб бориш кераклиги белгилаб олинди.

“Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда қидируви институти” ДМда коррупцияга қарши курашиш йўналишида олиб борилаётган тадбирлар Институтнинг телеграмм канали орқали ёритиб борилди. Соҳага оид янгиликлар, тадбирлар ҳам телеграмм каналга чиқарилди. Жумладан, 2025 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида муассасанинг телеграмм каналига соҳага оид 3 та видеоролик, мурожаат қилиш каналлари тўғрисида 2 та, таҳлилий ва статистик маълумотлар бўлган 3 та, ўтказилган тадбирлар хусусида 3 та,

соҳадаги янгиликлар буйича постлар жойлаштирилди. Бундан ташқари веб-сайтга муассаса директорининг “Ислоҳотлар йўлидаги энг катта тўсиқ ва ғов бу - Коррупция!” номли мақоласи эълон қилинди.

“Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда қидибуви институти” ДМнинг алоқа каналлари орқали коррупциявий хатти-ҳаракатлар тўғрисида келиб тушган хабарларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Регламенти”га асосан кўриб чиқиш учун, 2025 йилнинг 1-ярим йиллиги давомида алоқа каналлари орқали коррупцияга оид мурожаатлар келиб тушмаган.

“Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда қидибуви институти” давлат муассасасида мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ қонунбузарликлар, шу жумладан одоб-ахлоқ қоидалари ва коррупцияга оид ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги маълумотларни ҳимояланган алоқа каналлари орқали тақдим этилиши таъминланди. Коррупцион ҳолатлар буйича хабар беришлари учун [anticor@ing.uz](mailto:anticor@ing.uz) институтнинг электрон почтаси яратилган.

“Коррупцияга оид ҳукуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон Қарорига асосан, Институтнинг “Коррупцияга оид ҳукуқбузарлик ҳақида хабар берган ходимларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида” ишлаб чиқилган буйруғи ходимларга етказилди.

Коррупция, манфаатлар туқнашуви, таниш билишчилик, маҳаллийчилик ва бошқа шунга ўхшаш коррупцион ҳолатларга дуч келса ёки бирор-бир маълумотга эга бўлса, институт ходими лавозим мажбуриятини бажарганлиги ёки бажармаганлиги эвазига тамагирлик, порахурлик, фирибгарлик ҳамда бошқа ноқонуний ҳолатларга йўл қўйса ёки шунга ҳаракат қилса, коррупцион ҳолатларни олдини олиш ёки унга чек қўйиш учун мурожаат қилиши мумкин бўлган алоқа каналлари тўғрисидаги маълумотларни оммалаштириш мақсадида институтнинг телеграмм каналида чиқарилди.

Ходимларга коррупцион ҳолатларга йўл қўймасликлари учун тизимли равишда, доимо коррупция, унинг келиб чиқиш сабабалари, салбий оқибатлари, давлатга, жамиятга, шахснинг ўзига етадиган заарлари тўғрисида тушунчалар, маълумотлар бериб борилмоқда. Ҳар бир жиноятга жазо муқаррар, шахслар томонидан қилинган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни жиноят эканлигини билмаслик уни жазодан озод қилмаслиги, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят Кодексларида коррупцияга боғлиқ жиноятни содир қилган шахсларнинг жавобгарлиги кўрсатиб ўтилган моддалари буйича тушунчалар бериб борилди.

“Нефт ва газ конлари геологияси ҳамда қидибуви институти” давлат муассасасида мумкин бўлган манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ

қонунбузарликлар, шу жумладан одоб-ахлоқ қоидалари ва коррупцияга оид хуқуқбузарликлар түғрисидаги маълумотларни ҳимояланган алоқа каналлари орқали тақдим этилиши таъминланди. Алоқа каналлари институтнинг телеграм ижтимоий тармоғи орқали тарғиб қилинди.

Келгуси ўқув дастурларида муассаса ходимларининг коррупцияга қарши курашиш йўналишида билим ва кўникмаларини ошириш, ушбу мавзулар бўйича кўпроқ маълумотлар бериш ва машғулотларни тизимли олиб бориш режалаштирилди.